

«Канчадан-канча кишлок-шахарлар борки, ўз Парвардигорлари ва Унинг пайгамбарлари амридан бош тортгандирлар, бас, Биз улардан каттик хисоб-китоб олганмиз ва ёмон азоб билан азоблаганмиз. Бас, у (кишлок-шахарларнинг) ахли ўз иш-килмишларининг зиёнини тотдилар ва бу ишларининг окибати зиён тортиш – халокат бўлди». (Талок сураси, 8-9)

Бу даҳшатли фожиа ёз кунларининг бирида рўй берди. Тинимсиз пишкираётган Везувий оғзидан отилиб чиккан кайнок кул ва лава одамларни тириклайн жизганакка айлантирас, кошишга улгурмаган жонзот борки, мислсиз азобга дучор бўлар эди. Помпейликларнинг тўкин-сочин ва шод-хуррам хаётлари якун топди, улар курган ахлоксиз жамият ер юзидан йўқ бўлиб кетди.

Помпейга эрамиздан аввалги ВИ асрда асос солинган. Савдо йўлида жойлашганлиги шахарнинг киска муддат ичидан ривож топишига туртки бўлди, мухим савдо-сотик ва саноат марказига айланди. Шахар бир неча даҳалардан иборат бўлиб, илгор меъморчилик услубларидан фойдаланилган холда барпо этилган эди. Турли маъбудларга багишлиган хашаматли ибодатхоналар, театрлар, 20 000 томошибинга мўлжалланган амфитеатр шахар кўрки хисобланарди. Помпейда ўттиздан ортиқ новвойхоналар ишлар, у ерларда ёпилган нонлар сотиш учун ён атрофдаги шахарларга хам жўнатиб турилган. Шунингдек, бу ерда жун газламалар ишлаб чиқариш хам яхши йўлга кўйилган эди.

Помпейликлар айш-ишратга муккасидан кетган халк эди, фохишахоналар очик ишлар, баччавозлик ва ахлоксизликнинг хар кандай кўриниши уят саналмасди. Казишмалардан маълум бўлишича, помпейликлар хонадонлари эшигига шахвоний расмлар илиб кўйишини жуда яхши кўришган экан, бундан ташкари, уйларини турли хайкаллар билан безашган, кундалик ишлатадиган буюмларини хам шахвоний кўринишда ясаттиришган. Помпейнинг донги бутун Рим империясига, кўйингки, кўшни салтанатларга хам ёйилган эди. Ишрат излаган одамлар бу ерга окиб келарди. Тарихчиларнинг гувохлик беришича, машхур саркарда Ганнибал Италияга хужум килган пайт унга Помпейни хам иштол килишни таклиф килишади. Саркарда йўлга тушади, аммо манзилнинг ярмига етганида орта кайтишга карор килади. Чунки Помпейни хеч бир кўшин ишгол кила олмаган эди. Ишгол килганлари хам кейинчалик жанг килишдан бош тортиб колишарди. Сабаби оддий – хеч бир аскар «лаззат макони»ни ташлаб кетгиси келмасди. Одамлар бу кайфу сафо хеч качон тугамаслигини жуда-жуда исташар эди.

Эрамизнинг 62 йилида Помпейда кучли зилзила юз берди, кейинги йиллар давомида бу холат бир неча бор тақрорланди. Бу эса ўз навбатида юз йиллардан бери ухлаб ётган Везувийнинг якин орада уйгонишидан дарак эди. 79 йилнинг 24 август тонгига Помпей осмонида кул булути пайдо бўлди. Ха, Везувий ўз қаҳрини ён атрофга соча бошлаган эди. Шундоккина вулкон этагига жойлашган Геркуланум шахри кайнок лава остида колди. Дам-бадам ернинг титраши, осмонда кора булуларнинг сузиги юриши помпейликларни кўпам ташвишга солмади. Улар ўзларини фалокатдан узок санаб, бу вахималар тез орада ўтиб кетишига ишонишган эди. Шунинг учун хам барча ўз юмуши

билин овора бўлди: новвойлар нон ёпишга тушиб кетишиди, сотувчилар савдога тайёрланишиди, фохишалар эса мижоз кутиб олишга. Ана шу гафлат уларни халокат томон етаклаб келди. 25 август тонгида Помпейда тирик жон колмаган, шахар уч метрли кул катлами остига кўмилиб колган эди. Одамларнинг кочишга улгурмаганидан тушуниш мумкинки, халокат жуда киска муддат ичида юз берган.

Помпейда олиб борилган казишма ишлари бу шахарда яшаган одамларнинг ахлокан тубан киёфасини очиб берди: фалокат яқинлашганини билса хам одамлар айш-ишратни тарқ этишмаган эди. Кўпчилик – ёшлар (хатто болалар) хам, карилар хам бузукчилик устида тошдай котиб колган эди.

Аброр Машарипов тайёрлади.